



Халқ сўзи

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 3 декабрь, № 250 (8873)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗГАРИШЛАРГА МОСЛАШУВЧАНЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК ЗАРУР

Президент Шавкат Мирзиёев 2 декабрь куни металлургия корхоналарининг трансформация дастурлари ҳамда 2025 йилги режалари билан танишди.

Сўнгги етти йилда бу соҳада ишлаб чиқариш 1,5 баробар ўсган. Хусусан, йиллик олтин қазиб олиш ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 26 тоннага, қумуш 77 тоннага, мис 32 минг тоннага ошган.

Охириги беш йилда тоғ-кон ва металлургияга қарийб 9,5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиниб, 15 та йирик лойиҳа ишга туширилди. Натижада бу соҳа иқтисодиёти трансформация қилишда энг муҳим драйверга айланмоқда. Мамлакатимиз sanoati ҳажмининг учдан бири унинг ҳиссасига тўри келяпти.

Тоғ-кон sanoati электротехника, қурилиш материаллари, кимё, зарғарлик каби тармоқлар учун хомашёни кўпайтириб, уларнинг ўсишига катта туртки берапти. Шунинг-

дек, комбинатлар 60 дан ортик кичик ва ўрта корхоналар билан кооперация асосида яқиндан ишлаяпти.

Буларни давом эттириб, иқтисодий самарадорликни ошириб бориш — замон талаби. Тармоқ корхоналарини жаҳон молия бозорига жозибador компанияларга айлантириш керак.

Йигилишда Тоғ-кон sanoati ва геология вазири ҳамда комбинатлар раҳбарлари шу борадаги режалар бўйича ахборот берди.

Жумладан, 2025 йилда тоғ-кон ва геология соҳасидаги лойиҳаларга 1 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш кўзда тутилмоқда. Каолин ишлаб чиқаришни 50 фоиз ошириш, кўмир

қазиб олишни 10 миллион тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Навоий тоғ-металлургия комбинати бу йил илк бор халқаро бозорда евробонд жойлаштириб, 1 миллиард доллар арзон ресурс жалб қилди. Келгуси йил яна 500 миллион доллар евробонд чиқариш режалаштирилган.

Олмалик кон-металлургия комбинатида 3-мис бойитиш фабрикаси ҳамда Ўзбекистон металлургия комбинатида янги қуюв прокатлаш мажмуаси ишга туширилади. Ўзбекистон технология металлургия комбинатида “яшил” иқтисодиёт учун муҳим бўлган ноёб металллар хомашёси кенгайтирилади.

Давлатимиз раҳбари келгуси йилда комбинатлар трансформация

орқали дунё бозорига рақобатдошлигини ошириш бўйича катта ўзгариш қилиши зарурлигини таъкидлади.

Бунда таннархни тушириш, фаолиятни тўлиқ рақамлаштириш, халқаро бозорлардан маблағ олиб келиш, янги технологияларни жорий қилиб, иш жараёнини автоматлаштириш энг муҳим вазифалар экани кўрсатиб ўтилди.

Корхоналар жаҳондаги ўзгаришларга тез мослашиб, янги ташаббуслар кўрсатиши зарурлиги айtilди. Тежамкорлик ва самарадорлик тамойили асосида харажатларни камайтириш, sanoat тармоқларини хомашё билан ўзлуксиз таъминлаш чоралари белгиланди.

Ў.А.

Сиёсий партиялар фракцияларида

ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯГА ЭГАЛИК ВА МАСЪУЛИК ҲИССИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳафтанинг илк куни долзарб қонун лойиҳалари муҳокамаларидан бошланди. Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати, судлар мустақиллиги кафолати, 2025 йилги солиқ сиёсати оид қонун лойиҳалари сиёсий партияларнинг куйи палатадаги фракциялари йиғилишларида атрофлича кўриб чиқилди. Палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган ушбу ҳужжатлардаги барча нормаларга депутатлар томонидан масъуллиқ билан ёндашилиб, уларни янада такомиллаштириш юзасидан муҳим таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Жамоат фондида қўшимча маблағ ажратиладиган бўлди

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Президентимиз раислигида шу йил 28 ноябрь куни мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган муҳим ташаббуслар, белгилаб берилган чора-тадбирларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Фракция аъзолари йиғилишда қўйилган вазифаларни амалга оширишда барча йўналишда янада фаоллик кўрсатиш, аҳоли билан муносабатларни яхшилаш бўйича мажбуриятларни аниқ белгилаб олдилар.



Шундан сўнг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мунозаралар давомиде депутатлар бош молиявий ҳужжат лойиҳасини қизгин муҳокама қилиб, қатор таклифларни илгари сурдилар. Хусусан, билдирилган таклифга мувофиқ оғир вазиятга тушган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш учун Болаларни қўллаб-қувват-

лаш жамоат фондида қўшимча маблағ ажратилиши бўйича фракциянинг таклифи маъқуллангани ижобий баҳоланди.

Йиғилишда 2025 йил учун Давлат бюджети қабул қилиниши муносабати билан Солиқ ва Бюджет кодексларида қўшимча киритиш, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокамадан ўтказилди.



БУЮК ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИК ҲАҚИДА ДАДИЛ ФИКР

Германиялик таниқли сиёсий шарҳловчи, “Berliner Zeitung” нашри Геосиёсат бўлими раҳбари Томас Фасбендернинг ўзбекистонлик машҳур сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов билан суҳбатини ўқидим. Жуда жиддий ва нуфузли журналнинг сиёсий шарҳловчиси билан ўта муҳим мулоқот бўлибди.

Суҳбатнинг мавзуси ҳам нихоятда салмоқли ва муҳим бўлди. Янада муҳими, суҳбат янги Ўзбекистон жамияти ва давлати, шу азият Ватанда яшайётган ҳар бир инсоннинг ҳаётига тўғридан-тўғри дахлдор, таъбир жоиз бўлса, ҳар биримизнинг жон-жонимизга боғланган тақдирлашмас масалалар таҳлилига бағишланган.

Акс садо

Интервьюнинг сарлавҳаси хусусида

Таниқли сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг Германиялик машҳур сиёсий шарҳловчига берган интервьюсини оммабоп ва ҳаммага тушунарли тилда тайёрланган қизиқарли илмий-публицистик киёш, деб баҳолаш мумкин. Бу баҳо-ни тасдиқлайдиган ўзига хос мезонлар бор, албатта.

Хусусан, интервьюнинг сарлавҳасиёқ гоят ўзига хос. Ҳақиқат: “Ўзбекистондан “Янги Ўзбекистон”гача: йўқотилган қалбни излаб...”. Айни сарлавҳани ўқиганимда машҳур ўзбек



шоири Садриддин Салим Бухорий (1946 — 2010) қаламига мансуб “Бухорога Бухоро келди”, деган мисра ёдига тушди.

Мустақиллик туфайли орзу-армонлари ушалганидан, жумладан, шўролар даври қатағони сабаб ташландиқ ахволга келиб қолган улуг алломалар юрти Бухоронинг тарихий ёдгорликлари ҳам яна муносиб қадр топонгидан беҳад қувонган ушбу шоир ва аллома 1999 йилда “Бухорога Бухоро келди” шеърлар туркумини нашр эттирганди. Ўша китобдан эл орасида донг қозongan мана бу мисралар ҳам жой олган:

Бухорога нур-зиё келди,
Илм келди, шарм-ҳаё келди.
Бухорони зулмат этди тарк,
Бухорога Бухоро келди...

Шоирликка ҳеч қандай давъомиз йўқ. Аммо оқил сиёсати ва ҳассос шоирлар рағбат берганида, камина ҳам жим қараб туролмади. Ушбу мисраларни шу рағбатнинг ҳосиласи сифатида қабул қилгайсиз:

Довон ортда қолиб, довод келмоқда,
Рухга рух қўшгувчи замон келмоқда.
Янги марраларга янги куч бериб,
Янги Ўзбекистон равон келмоқда!

Айтмоқчимизки, Қудратилла Рафиқов интервьюсининг, ҳатто номланишига ҳам чуқур адабий-бадиий моҳият ва нихоятда ўзбекона руҳ сингдирилган.

Ҳақиқат: “Ўзбекистондан “Янги Ўзбекистон”гача” — ўзбек сиёсатшуноси биргина шу жумла билан янги Ўзбекистонга ўзига хос тарзда таъриф берган. Янада аниқ қилиб айтганда, таърифларга сиймайди-диган буюк тарихий воқелик таърифсиз таърифланган.

Журналист интервью сўнггида шундай дейди: “Айниқса, менга “Йўқотилган қалб” ҳақидаги изохингиз жуда ёқди”. Германиялик сиёсий шарҳловчининг бундай эътирофи атоқли қирғиз адаби Чингиз Айтматовнинг ҳаётий фалсафаси билан йўрилган “манкурт назарияси”ни эсга соларди. Ҳақиқатан

ҳам, “Қалбни йўқотиш — маънавий манкуртликдир!”

Шу ҳақда ўйлар эканман, интервью сарлавҳасининг ўзи ҳам наинки миллий рух, балки умуминсоний мазмун-моҳият касб этади, деган фикр ўтди хаёлимдан.

Янги Марказий Осиё тараққиёти ва доғда қолган

Фарб сиёсатшунослари

Интервью матни таҳлиliga ўтсак: журналист атиги 8 та савол берган бўлса-да, саволлар мазмунан турлича ва уларнинг ҳар бири жуда кенг мавзуларни қамрайди. Саволлар бир томондан, ҳам аниқ, ҳам сиёсий долзарб, Фарб ўқувчисини ўйлантирадиган мазмунда бўлса, иккинчи томондан, худди шу жиҳатлари билан ўзбек сиёсатшуносига муносиб жавоблар қайтариш учун илҳом ҳамда жушқинлик бахш этган, назаримизда.

Суҳбатнинг ўқ илдизини янги Ўзбекистоннинг узок ва яқин ўтимиши ҳамда бугуни ва келажаги ҳақидаги ўй-мулоҳазалар ташкил қилади. Бу борадаги фикрлар Марказий Осиё минтақасида кечаётган тарихий-сиёсий жараёнлар билан узвий бог-лиқликда талқин этилган.



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ЧИН МАЪНОДА «ХАЛҚ УЙИ»ГА АЙЛанади

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши кураиши кўмитаси раиси А. Эшмуратов халқ депутатлари Шеробод тумани Кенгаши депутатлари билан учрашув ўтказди.

Мулоқот

Унда туман Кенгаши депутатлари, сектор раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, Президентимиз Олий Мажлис юқори палатасининг биринчи яли мажлисида сенатор ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятига атрофлича диққат қилиб, қонунларни парламент кўмиталарида кўриб чиқишда, вазирилик ва идоралар вакиллари билан эмас, балки маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан кўпроқ иш олиб бориши кераклиги алоҳида ургу берди. Бу эса сенаторлар ва депутатлари фаолиятини янги йўлга қўйишни тақозо қилади, албатта. Қолаверса, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги худудлар манфаатига мос келадиган қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

«Халқ сўзи».

Бугун — Халқаро ногиронлар куни

МАТОНАТ СОҲИБЛАРИ

ХАЛҚИМИЗ ЭЪТИБОРИДА, ДАВЛАТИМИЗ ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Одамларнинг дардини тинглаш, ўрганиш, уларга ўз вақтида ечим топиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, алоҳида эҳтиёжли, кўнгли ярим ҳаюртларимизни йўлантираётган муаммоларни ўрганиш, уларга тезкор, оқилона, ўз вақтида тўғри ечим топиш, турмуш шароитларини яхшилаш масалаларига амалий ёндашишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ногиронлиги бўлган юртдошларимизнинг жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, улар учун зарур шароитларни яратиш масаласи қозғода эмас, амалда ўз ифодасини топмоқда.



